5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

**6. Алоҳида шартлар**

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

**7. Якуний қоидалар**

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 202__ йил ______________га қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 202__ йил ______________га қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь кун** ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

## 8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

| **ОПЕРАТОР:**<br>**“Ўзбектелеком” АК**<br>**Қашқадарё филиали** | **АБОНЕНТ:**<br>Қарши шаҳар ХТБ |
|---|---|
| Манзил: Кашкадарё вилояти Қарши шахар Бешкент йўли 3 км<br><br>Банк маълумотлари:<br>х/р: 20 210 000 504 074 838 334;<br>СТИР: 203 366 731<br>МФО: 00401; АТБ “Алокабанк”<br>Тел: 1155 Call маркази, 75 221-5300;<br>E-mail: qashtel@uztelecom.uz, qashmerketing@uztelecom.uz ; | Манзил:<br>Бекробод 4 уй<br>Банк маълумотлари:<br>х/р: 100022860104017096300075005;<br>СТИР: 207123778;<br>МФО: 01109; Банк номи: Турон банк;<br>Тел: 91 4648831;<br>E-mail: ______; |
| **Оператор номидан:**<br>**Директор** ______ **Ж.С.Бозоров**<br>/имзо/<br>м.ў. | **Абонент номидан:**<br>______ **Ф.И.Ш.**<br>/имзо/<br>м.п. |

2022 йил “_____”_____________
_______________–сонли абонент шартномасига
1–илова

**Кўрсатиладиган хизматлар**

**1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар**

**Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)**

| т/р | Хизматлар номи | ҚҚСбиланнархи (миқдори) | Асос | Миқдори | 15% ҚҚСбиланТўловмиқдори, (сўмда) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| **I.** | **Бир марталик тўловлар** | | | | |
| 1.2 | Бир марталик тўлов | | Нархнома | | |
| **II.** | **Ҳар ойлик абонент тўловлари** | | | | |
| 2.1 | Ойлик тўлов | 2580000 | Нархнома | 2 | 2580000 |
| 2.2 | Ойлик тўлов | | Нархнома | | |
| 2.3 | Ойлик тўлов | | Нархнома | | |
| | Жами (олдиндантўлов) | | | | |

Жами олдиндан тўлов миқдори 7740000 (Етти миллион етти юз қирқ минг) сум, шу жумладан, ҚҚС 15 % миқдорида.

Шартноманинг умумий миқдори 7740000 (________________) сўмни ташкил этади. Ундан ________ (________________) сўм миқдорида ойлик абонент тўлови ҳамда ________ (________________) сўм бир мартабалик ______ технологияси бўйича уланиш учун рўйхатга олиш тўлови.

**ОПЕРАТОР:** **АБОНЕНТ:**

**“Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиали** Қарши ш. Халқ таълими бўлими.

**Оператор номидан:** **Абонент номидан:**

**Директор** ______________ **Ж.Бозоров**
/имзо/
м.ў.

**Директор:** ______________ Н. Самадова
/имзо/
м.ў.

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: OI3154153043

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQ EKANLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

**1. Loyihaning turi:**

Shartnoma. "Telekommunikatsiya xizmatlari ko'rsatilishi haqida"

**2. Loyihaning nomi:**

"Qarshi shahar maktabgacha ta'limi bo'limi ("Iste'molchi") hamda ""Uzbektelekom" aksiyadorlik kompaniyasi 2022-yil 5-yanvardagi 40827703-son ishonchnoma asosida faoliyat yurituvchi "Uztelekom" aksiyadorlik kompaniyasining Qashqadaryo filiali o'rtasida telekommunikatsiya xizmatlari ko'rsatilishi to'g'risida shartnoma".

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:**

Qarshi shahar xalq ta'limi bo'limi mudiri N.Samadova tomonidan 2022-yil 19-yanvar kuni taqdim qilingan.

Loyiha amaldagi O'zbekiston Respublikasining 21.12.1995 yildagi Fuqarolik kodeksi, O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yil "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida" 670-I-sonli qonuniga mos ravishda ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Qarshi shahar yuridik xizmat ko'rsatish xizmati markazi bosh yuriskonsulti** **N.S.Qilichev**

2022-yil 21-yanvar